O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
QO'QON SHAHAR
«AUDIT PROFESSIONAL
PRAKTIK»
*mas'uliyaticheklangan
jamiyati*

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ГОРОД КОКАНД
«АУДИТ ПРОФЕССИОНАЛ
ПРАКТИК»
*Общество с ограниченной
ответственностью*

Лицензия АФ № 00716 13.08.2009 йил Молия вазирлиги
Узбекистон Республикаси, Фаргона вилояти Кукон шахар, Уста Бозор кучаси 49-уй, ОАТБ «Кишлок курилиш банк»
х/р 20208000104787194001 МФО: 00630, ИНН 207 001 898. Тел: +99891 150 06 40 e-mail: audit-app@mail.ru

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСА
"Фаргонадонмахсулотлари" АЖ раҳбариятига

Манзили: **"Фаргонадонмахсулотлари" АЖ.** Фаргона ш. Ал Фаргоний 93 уйда жойлашган. ОАТБ Агробанк х/р 20210000000194881100l. МФО 00495. Оконх 19211. ИНН 200153366.

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK» аудиторлик ташкилоти (*Кўкон шахри Уста Бозор- 49 уй. ОАТБ "Кишлок Курилиш Банк". х/р 20208000104787194001, МФО 00630, ИНН 207001898, Окэд 69.20.2 тел +91 150 06 40, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хуқуқи билан 13.08.2009 йилда берилган АФ № 00716-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 16.06.2009 йилда № 391 –реестр билан рўйхатга олинган гувохнома*) директори Суяркулов Н томонидан (*Аудитор малака сертификати № 04398 22.08.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект **"Фаргонадонмахсулотлари" акциядорлик жамияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг "Бухгалтерия баланси" Ф-1, "Молиявий натижалар" Ф-2, "Хусусий капитал" Ф-3, "Пул оқимлари тўгрисидаги хисобот" Ф-4 хисобот шаклларидан иборат 2018 йил 01 январидан- 2018 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия хисоби тўгрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хаққонийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"Фаргонадонмахсулотлари" акциядорлик жамияти** томонидан илова қилинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия хисоби тўгрисидаги қонун хужжатларига мувофиклиги ва хаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект **"Фаргонадонмахсулотлари" акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь** ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK»
аудиторлик ташкилоти директори **Н.Суяркулов**

Аудитор малака сертификати № 04398
22.08.2017 йилда Молия Вазирлиги
томонидан берилган

Хулоса тузилган сана: **18 февраль 2019 йил**